

ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТИНТУВ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Холназаров Йигитали Ҳамидович

Аннотация: Мазкур мақолада товламачилик жиноятыни тергов қилишида тинтув тергов ҳаракатининг ўрни, ушибу жиноятларда тинтув тергов ҳаракатини ўтказиши тактикасига доир масалалар таҳлил қилинган. Тинтув тергов ҳаракатини ўтказиши шароити, у билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилган.

Калит сўзлар: товламачилик жиноятыни тергов қилиши, тинтув ўтказиши тактикаси, тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш, тинтув натижаларини қайд қилиши.

Товламачилик шахснинг мулкини яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки унинг сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиласидан уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкини ёки мулкий ҳуқуқни топширишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиласидан шароитга солиб қўйишида ифодаланган жиноят ҳисобланади. Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишида исботлаш муҳим аҳамият касб этади, исботлашда тергов ҳаракатларининг ўрни бекиёс. Хўш, товламачилик жиноятларини тергов қилишида энг самарали тергов ҳаракати қайси?,- деган табиий савол туғилиши мумкин. Бу саволга биз жиноят ишини тергов қилишида биронта тергов ҳаракатини бир-биридан устун қўйиб бўлмайди, ҳар бир тергов ҳаракати исботлаш жараённада ўзига хос хусусиятга эга,-деган жавобни берган бўлар эдик. Товламачилик билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишида бошқа тергов ҳаракатлари сингари тинтув тергов ҳаракати ҳам ўзига хос ўринга эга, хозир биз сиз билан шу тергов ҳаракати ҳақида гаплашамиз.

Тергов ҳаракатини ўтказишида муҳим ўринга эга бўлган тинтувни амалга ошириш асосларини батафсил ўрганиб чиқадиган бўлсак, юридик адабиётларда ҳар қандай процессуал қарорни қабул қилиш асослари батафсил тадқиқ қилинган бўлиши лозимлиги юзасидан қатор фикрлар мавжуд. П.А. Лупинская бу тушунчалар остида “қарорда баён этилган барча хulosаларнинг қарордан олдинги ишдаги мавжуд ва далилларни йифиши, текшириш ва баҳолаш бўйича фаолият натижасида олинган фактик маълумотларга мос келиши”ни тушуниради[1]. Умумеътироф этилганидек, тергов ҳаракатини амалга ошириш асослари фактик ва юридик (расмий ҳуқуқий)ларга бўлинади.

Ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга ошириш учун фактик асослар керак бўлади. Ҳуқуқий адабиётларда “фактик далиллар тергов ҳаракатини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишда субъективликни чеклайди. Тергов ҳаракати уни ўтказиши зарурати етарли асосга эга бўлгандағини амалга оширилиши лозим”лиги кўрсатилган. Тинтув шахсни, хоналарни, тинтув қилинаётган шахс ва унинг оила аъзоларини ёки

ташкilot ихтиёрида бўлган хона ва турар жойларни, очиқ жойларни мажбурий текшириш ҳисобланади.

Тинтуб мазмуни далилий ва йўналтирувчи маълумотлар манбаларини(жиноят қуроллари, жиноят йўли билан топилган ёки иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар, қимматли ва бошқа ашёларни), шунингдек қидирилаётган шахслар ва мурдаларни ёки уларнинг қаерда жойлашганлиги ҳақидаги маълумотларни топиш ва олиш мақсади турар-жойлар, ер майдонлари, муайян шахслар ва уларнинг нарса буюмларини мажбурий текширишга қаратилган тергов ҳаракатидир. Тинтуб ўтказишнинг мақсади жиноятдан қолган қуроллар, предметлар, жиноят йўли билан топилган қимматбаҳо нарсалар иш бўйича аҳамиятга эга бошқа предмет ва ҳужжатлар шунингдек, қидирувда бўлган шахслар, мурдалар ёки уларнинг қисмларини, гаровга олинган ва олиб қочилган шахсни топишдан иборатdir.

Бундан ташқари, ишга тааллуқли бўлмаган, лекин жиноятга тайёргарлик ёки жиноят содир этганлиги тўғрисида гувоҳлантирувчи объектларни олиб қўйиш ва ишлатиладиган предметлар олинади. Шунингдек, тинтуб ЖПКнинг 158-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ қидирувдаги шахслар ва мурдаларни топиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин.

Фикримизча, ЖПКнинг 158-моддасида фойдаланилган “қидирилаётган шахс” тушунчаси мазмуни жиҳатидан ЖПКнинг 365-моддасида келтирилган қидирув эълон қилинган шахсдан анча кенгроқ. ЖПКнинг 158-моддаси таҳлилидан “қидирилаётган шахс”га нафақат ЖПКнинг 365-моддасига мувофиқ қидирув эълон қилинган айбланувчи, балки: – хар қандай гумон қилинувчи ва айбланувчи; – ишга гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этиш қарори қабул қилинмаган бўлса-да, лекин унинг жиноят содир этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган шахслар; – жиноят қурбонига айланган (ўғирлаб кетилган) ва маълум бир жойда сақланаётган шахслар.

Юқорида зикр этилган тинтуб ўтказишнинг аниқ асослари тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантирап эканмиз, уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишда терговчи мазкур тергов ҳаракати мақсадларига эришиш имкониятига ишора қилувчи маълумотларга эга бўлиши кераклигини қайд этмоқчимиз. Жиноят иши материалларида бундай маълумотлар бўлмаслиги тергов ҳаракати асоссиз амалга оширилганини англатади. Тинтуб ўтказиш фуқароларнинг шахсий ҳаётига жиддий аралашув, уларнинг конституциявий хуқуклари чекланиши билан боғлиқлиги, шунингдек, у мажбурийлик характерига эга эканини ҳисобга олган ҳолда тинтуб ўтказишнинг фактик асосларига нисбатан етарли даражада қатъий талаблар қўйилиши лозим. Жиноят ишида мавжуд маълум бир предмет (ҳужжат)нинг бирор ерда ёки шахсда эканлиги эҳтимолидан далолат берувчи далиллар бундай асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигига шубҳа йўқ[2]. Бу маълумотлар гумон қилинувчи (айбланувчи), жабрланувчи, терговчи ва бошқа шахсларнинг кўрсатмаларида ҳам бўлиши мумкин. Қайд этиш жоизки, тинтуб ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши учун асос бўладиган далиллар ЖПКда талаб этилган мезонлар, биринчи навбатда ижозат бериш мезонига жавоб бериши лозим. Бу қарор асосини қонуний хуқуқقا эга субъект

томонидан тегишли тартиб-таомилга риоя этган ҳолда тегишли манбадан олинган маълумотлар ташкил этиши мумкинлигини англатади.

Тинтуб ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин терговчи унинг тасарруфидаги далиллар юқорида қайд этилган мезонларга мос келишилигини текшириши шарт. Агар қарор йўл қўйиб бўлмайдиган, яъни қонунга хилоф йўллар билан топилган маълумотларга асосланган бўлса, ҳатто тинтуб ижобий натижа берган тақдирда ҳам топилган далиллар мақбул эмас деб эътироф этилиши лозим. Тинтуб ўтказиш ҳақидаги қарорларнинг таҳлили* суд-тергов амалиётида процессуал мавқега эга бўлмаган шахслар (гумон қилинувчи ва айбланувчининг қариндошлари, танишлари ва бошқалар)да ёки уларнинг тураг жойларида фақатгина тезкор-қидирав маълумотлар асосида тинтуб ўтказиш ҳоллари учраётганлигини кўрсатди. Фикримизча, айниқса мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Зоро, бу каби амалиётнинг кенг тарқалиши етарли асослар бўлмаса-да ҳар қандай инсонда ёки унинг тураг-жойида тергов органларининг хоҳиш-истаклари асосида тинтуб тергов ҳаракатини ўтказиш учун йўл очиб беради. Шуни қайд этиш жоизки, қонун чиқарувчи тинтувнинг фактик асосларини аниқлар экан, қидирилаётган нарсанинг жойлашган жойи тўғрисида фикр юритиш учун “етарли маълумотлар”ни талаб этади. Ўз-ўзидан бундай маълумотлар мавжудлиги уларнинг ҳажмидан қатъи назар ҳали тинтувнинг ҳақиқий асоси ҳисобланмаслигини таъкидлаш жоиз. Бу ерда айнан бундай маълумотларнинг “етарлилиги” муҳим саналади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “етарлилик” атамаси маълум бир ерга ёки даража-меъёрга қарийб етадиган деган маънони англатади. Терговчидан мавжуд маълумотлар сифатини баҳолаш уни тинтуб ўтказиш оқибатида изланаётган далиллар олиниши мумкин, деган хулоса қилишига олиб келиши лозим. Шундай экан, бир савол туғилади: терговчи қарори тинтуб самара беришига ишончи комиллиги ёки бу ҳақда етарли равишда асосли тахмини борлигини англишиши керакми? Фикримизча, тинтуб ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, терговчи уни ўтказиш натижасида изланаётган ашёлар олиниши мумкинлиги тўғрисида асосли тахминга эга бўлиши керак[3]. Бунинг тўғридан-тўғри тасдиғи ЖПКнинг 159-моддаси иккинчи қисмида келтирилган: “Олиб қўйиш ёки тинтуб ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда бу ҳаракатлар қаерда ва кимницида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ЖПКнинг қатор нормаларида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз равишда чеклашга йўл қўйилмаслиги, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва тураг-жой дахлизлиги, шунингдек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлизлар ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас мазмунидаги талаблар мавжуд бўлсада, бугунги кунга қадар шахснинг бевосита конституциявий ҳуқуки билан чамбарчас боғлиқ бўлган тинтуб тергов ҳаракатини ўтказилиши суднинг рухсати билан эмас, балки прокурор санкцияси асосида амалга оширилаётганлиги умуман тушунарсиз ҳолатdir. Зоро, юртимизда кейинги йилларда

“Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилаётган бир вақтда тинтув тергов ҳаракатини давлат айбловидан манфаатдор бўлган прокурорларнинг санкцияси асосида эмас, балки иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган суднинг рухсати асосида ўтказиш мантиқан тўғридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. П.А. Лупинская. Разъяснения Пленума Верховного Суда Российской Федерации по делам о вымогательстве // Российский судья. 2016. № 7. С. 41–44.
2. Волков К. А., Тулиглович М. А. Новые разъяснения Пленума Верховного Суда РФ по делам о вымогательстве и процессы самоорганизации правоприменения // Российская юстиция. 2016. № 4. С. 42–44.
3. Яни П. С. Вопросы квалификации вымогательства // Законность. 2015. № 11. С. 40–45